

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ
КОРПУСЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ
ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”**

**мавзусидаги
халқаро илмий-амалий конференция
материаллари
(2021 йил 7 май)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ
КОРПУСЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ
ҲАМДА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусидаги

халқаро илмий-амалий конференция

материаллари

(2021 йил 7 май)



UO*K: 004.8+81'33
KBK: 81.1

Ўзбек миллий ва таълимий корпусларини яратишнинг назарий ва амалий масалалари /
Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2021 йил 7 май. Электрон нашр / ebook. –
Тошкент: ТошДЎТАУ, 2021. – 330 б.

Ушбу тўпلامдан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетида бажарилиши 2020-2021 йилларга мўлжалланган АМ-FZ-201908172 рақамли
“Ўзбек тили таълимий корпусини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ташкил этилган
“Ўзбек миллий ва таълимий корпусларини яратишнинг назарий ҳамда амалий масалалари”
мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари жой олган.

Масъул муҳаррир:

Б.Р.Меиглиев, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология
фанлари доктори

Такризчилар:

Ш.Х.Шаҳобиддинова, Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори
Ж.Ш.Жумабаева, Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Ш.М.Хамроева, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.К.Гулямова, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)





КОРПУСДА ТИББИЙ БИРЛИКЛАРНИ ТЕГЛАШ

THE PROBLEMS OF TAGGING MEDICAL UNITS

Абузалова Мехринисо Кадировна*

Аннотация: Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш мақсадида тиббиёт ходимлари учун тиббий атамаларга доир платформа яратиш, электрон лугатлар, дарслик ҳамда уларнинг мобил иловаларни яратиш ўзбек лексикографияси, терминологияси, шунингдек, компьютер лингвистикаси ривожини учун муҳим манба саналади. Ушбу мақолада тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш зарурати соҳавий терминлар – “Тиббий эвфемизмлар лугати”, “Тиббий перифраза-лар”, “Тиббий лексика метафоралари” лугати, электрон лугатлар, электрон дарсликлар, уларнинг мобил иловалари мисолида изоҳланади.

Калим сўзлар: тиббий birlik, платформа, тиббий эвфемизм, тиббий перифраза, тиббий метафора, лугат, корпус.

Annotation. In order to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language, the creation of a platform for medical terms for medical staff, electronic dictionaries and textbooks and their mobile applications is an important source for the development of Uzbek lexicography, terminology and computer linguistics. This article proves on the basis of a number of examples that the creation of an electronic platform of medical terms necessitates the creation of industry terms – “Dictionary of Medical Euphemisms”, “Medical Periphrases”, “Dictionary of Medical Vocabulary”, electronic dictionaries, electronic textbooks and their mobile applications.

Keywords: medical unit, platform, medical euphemism, medical periphrasis, medical metaphor, dictionary, corpus

Мамлакатимиз истиклолга эришгандан кейин миллий тилга эътибор маънавиятга эътиборнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу сабабли она тилимизни авайлаб асраш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланилишига эришиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Хусусан, тилининг имкониятларини намоён этиш ва эгаллаш борасида дунё миқёсида тез суръатларда яратилаётган тил корпусларининг роли бекиёс. Зеро, суғий интеллект маҳсули бўлмиш электрон манбалар инсонга кўмаклашиш ва кишиларнинг оғирини енгиллаштириш мақсадида яратиладики, давримизни уларсиз тасаввур этиш жуда кийин. Қолаверса, фанлар интеграциялашуви кечаётган бир даврда тилшунослик ва компьютер технологиялари соҳалари кесишувида тадқиқотларнинг бажарилиши муҳим долзарблик касб этади.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш мақсадида тиббиёт ходимлари учун тиббий атамаларга доир платформа яратиш, электрон лугатлар ва дарслик ҳамда уларнинг мобил иловаларини яратиш ўзбек лексикографияси, терминологияси, шунингдек, компьютер лингвистикаси ривожини учун муҳим манба саналади. Ҳаётимизга шиддат билан ривожланиб кириб келаётган компьютер лингвистикаси бугун барча соҳалар каторида тиббиёт соҳасини ҳам бефарқ қолдирмади. Замонавий жамият ҳаётининг ажралмас қисми саналган интернет сайтларидаги ижтимоий тармоқлар ва форумларда биз деярли тасаввур қила олмайдиган ҳар қандай баҳс-талаб ва таҳрирталаб мавзудаги мунозараларни топишимиз мумкин. Албатта, турли касалликлар, даволаш билан боғлиқ муаммолар, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тиббий мавзулар бундан мустасно эмас. Пандемия сабабли интернетда ўзларининг соғлиги тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни чоп этаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари, тиббий нашрлардаги таҳрирталаб матнларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги ҳам айни ҳақиқат. Ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин. Ўзбек тилида қўлланиладиган тиббий атамаларга доир платформа яратилса, мазкур муаммолар ечимини сифатида муҳим аҳамият касб

* Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори. mexriniso-6590@mail.ru



этиши табиий. Айтиш мумкинки, электрон дугатларгина лексеманинг бутун моҳиятини тезкорлик билан китобхонга етказиш имкониятини беради.

Айни кунларда тавсифий тилшунослик ўз ўрнини соҳавий-тавсиявий тилшунослик йўналишларига бўшатиб берган экан, тиббий соҳага тегишли атамаларни ҳам миллий, ўзбекона, оммабоп вариантларда тайёрлаш – шу соҳадаги илмий муаммонинг ечимига хизмат қилади. Дорихонадан харид қилинган маҳсулотнинг йўриқномасини саводли ҳар бир киши ўқиб тушуна олиши керак. Бунинг учун эса лингвистика билан тиббиёт ҳамкорлиги зарур.

Зеро, соҳа лингвистикасига киришиш жамият тараққиёти билан амалий боглик. Чунки жамият саломатлиги шахснинг руҳий, жисмоний, маънавий соғломлигига боглик. Демак, бу борада яратиладиган платформа аҳолининг турли тонфа ва қатлам вакиллари билан иш кўрадиган тиббиёт соҳаси мутахассис-ҳодимлари учун ўз фаолияти жараёнида юксак маданий нутқ кўникмаларига эга бўлишлари ҳамда тил захирасидаги ҳар бир сўздан эҳтиёткорона фойдаланишлари улар касбий маҳоратининг зарурий шarti бўлган лисоний воситаларга масъулиятли ёндашишини талаб қилади.

Француз ёзувчиси Антуан де Сент Экзюпери ёзганидек: «Мулоқот бу шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади [Экзюпери, 1963: 37]».

Ширин суҳбат, ёқимли мулоқот ёки гўзал нутқнинг яратилишини бевосита тилнинг ранг-баранг имкониятлари таъминлайди. Бу имкониятлар, айниқса, шифокор ва бемор ўртасида юзага келиши мумкин бўлган нокулай вазиятларнинг (айниқса, ўзбек мулоқотида) олдини олишда қўл келади.

Тиббий лингвистиканинг эвфемик, метафорик, перифрастик, гендер хусусиятларини лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан изоҳлаш; ўзбек тилида қўлланиладиган маҳаллий тиббий лингвистик бирликларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш; йўқолиб бораётган ноёб тиббий атамаларни тўплаш, уларнинг тасвирий изоҳли дугатини тартиблаш, Абу Али ибн Сино "Тиб қонуилари" асарида қўллаган атамаларни изоҳли дугат билан қиёслаш, муштарagini истеъмолга киритиш ва тавсифлаш каби кўндаланг турган вазифаларни бажариш тиббиёт соҳаси лингвистикаси ривожига хизмат қилмай қўймайди.

Ўзбек тилшунослигида тиббий терминология бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, Азимжон Қосимовнинг "Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар дугати", "Доривор ўсимликлар" (1994), Ёлқин Тўрақуловнинг 7000 дан ортиқ терминни ўз ичига олган "Тиббиёт комусий дугати"; А.Усмонхўжаев, Э.И.Баситханова, М.С.Турахановаларнинг «Қатта тиббиёт ўқув дугати» ҳозирги замон тиббиётида қўлланиладиган 10000 атрофидаги клиник терминлар ва тиббий тушунчаларни ўз ичига қамраб олган. Бундан ташқари, жуда кўплаб тиббий терминларга оид онлайн дугатлар, таржима дугатлари, изоҳли дугатларнинг электрон вариантлари яратилган. Аммо халқона, ўзбекона ва оммабоп вариантлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирилмаган. Дорихонадан харид қилинган маҳсулотнинг йўриқномасини эса зиёлилар қатлами ўқиб тушунади. Ҳолбуки, уни ҳамма ўқиб тушуниши лозим. Қолаверса, дунё таниган Абу Али Ибн Синонинг касални сўз, гиёҳ, тиг билан даволаш ҳақидаги пурмаъно ўтити сингдирилмади. Ибн Сино ҳикматида биринчи ўринда сўз билан даволаш кўрсатмаси турар экан, шифокорлар, табиийки, сўзга эҳтиёж сезади. Шу ўринда лингвистика ва тиббиёт интеграцияси ҳосил бўлади.

Маълумки, «атама» кенг қамровли тушунча бўлиб, унда терминологияга умуман тегишли бўлмаган топонимия, антропонимия, ойконимия, яъни ономастикага алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади, «термин» эса бу профессионал билимларнинг муайян соҳаси тушунчалар тизимига кирувчи бир тор соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шу маънода, «термин» тушунчаси «атама» тушунчасининг ичига кирувчи илмий-дугавий бирликлар сифатида ифодаланади. Ўзбек атамашунослиги захирасини бойитиш мақсадида терминларнинг атамалар орқали ёритилиши, аниқ ва ихчам терминлар ўрнига сермазмун изоҳларнинг берилиши, айтилиши ноўрин бўлган тиббий терминларнинг ноёб тиббий атамалар билан тўлдирилиши, уларни яратишда она тили имкониятларидан кенг фойдаланиш ўзбек тили ривожига ва унинг тақомили учун хизмат қилади.

Тиббиётга оид атамаларнинг эвфемистик, перифрастик, метафорик кўринишларини тавсифлаш ўзбек тили имкониятларининг кенглигини, бойлигини, вариантдорлигини, туркийзабон халқимизнинг тил маданияти юқорилигини тараннум этиш билан характерланади ҳамда таянч тиббий бирликларга ёндаш номлар сифатида нутқда қўлланилади:



Пандемия туфайли бир қанча бирликлар нутқимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Биргина коронавирус билан боғлиқ ўндан ортиқ кўзга кўринмас ёв, тождор вирус, инсониятни иложсиз қолдирган вирус, тождор вируснинг тожи, хавфли ёв, тожли душман, кўзга кўринмас митти офат, тож кийган вирус, дунё иқтисодини емирувчи касаллик, инсон саломатлигининг кушандаси, чекинмаётган ёв каби перифрастик бирликларнинг фаол қўлланишда эканлигини кузатамизки, булар бевосита тиббий нутқ билан боғлиқ.

Ўзбек тилида, одатда, врач – тиббиёт олийгоҳида билим олган мутахассис; шифокор – тиббиёт соҳасида таълим олган ҳар бир мутахассис (врач, ҳамшира, фельдшер); доктор – тиббиёт олийгоҳида билим олган малакали мутахассис; дўхтир – тиббиёт соҳасига тааллуқли барча ходимлар; табиб – беморни халқ табobati асосида (гиёҳлар билан) даволловчи киши; эмчи – беморни руҳан ҳамда уқалаш йўли билан даволашга ҳаракат қилувчи киши; лўқмонча – тиббий соҳадан оз-моз хабардор, дарди енгилроқ беморларни даволашга ҳаракат қилувчи кичик табиб маъноларини ифодалаб келади.

Ўзбек тилида врач, доктор, дўхтир, шифокор, табиб, эмчи, лўқмонча, ҳаким, синиқчи каторидан ўрин олган сўзлар инглиз тилида фақат иккита сўз doctor, physician каби бирликлар билан ифодаланадики, инглизчабошлар учун ўзбек тилидаги дўхтир, табиб, эмчи, лўқмонча, ҳаким, синиқчи бирликлари лақунадир.

Ўзбек атамашунослиги захирасини бойитиш мақсадида биз тиббий бирликларнинг электрон платформасини яратмоқдамиз. Ушбу платформада терминларнинг атамалар орқали ёритилиши, аниқ ва ихчам терминлар ўрнига сермазмуи изоҳларнинг берилиши, айтилиши ноўрин бўлган тиббий терминларнинг ноёб тиббий атамалар билан тўлдирилиши, уларни яратишда она тили имкониятларидан кенг фойдаланиши асос қилиб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тўддан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида таъкидланган “соғлиқни сақлаш тизими... аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаётганлиги” тиббиётга онд атамалар электрон платформасини яратиш соҳавий терминлар – “Тиббий эвфемизм-лар лўгати”, “Тиббий перифразалар”, “Тиббий лексика метафоралари” лўгати, электрон лўгатлар, электрон дарсликлар, уларнинг мобил иловаларини яратиш заруратини юзага келтирмоқдаки, бу яратилажак ўзбек тили миллий корпуси учун ҳам гоят аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abuzalova M., G'aybullayeva N. (2021) Peculiarities Of The Integration Of Linguistics And Medicine. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. Volume 27, Issue 1, Pages 828-832. https://cibg.org.au/article_7795.html.
2. Антуан де Сент-Экзюперри. Планета людей (Нора Галь таржимаси). 1963. – Б. 37.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тўддан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.



МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Қутлов	5
А.Қирғизбоев Корпус – миллий тил хазинаси	5
И.Султонов Миллий корпус – ўзбек тилини ривожлантиришга инновацион ёндашув	6
Н.Махмараймова Миллий тил корпуси – замонавий таълим таянчи	7

ЯЛПИ ЙИГИЛИШ МАЪРУЗАЛАРИ

Е.Адаһ Derlem	9
В.П.Захаров, М.С.Коган Использование корпусов в изучении и преподавании языка в россии: достижения, проблемы, перспективы	16
Т.Хўжаўгли Ўзбек тилининг миллий миллий корпусини яратишда транскрипсия ва имло масаласи	21
Ғ.Ақик Ўзбек тилини чет тили сифатида ўқитиш усуллари	22
Г.Н.Эргашева, А.Н.Ахмедова Corpus-based translation studies	25
Б.Менглиев Ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар	28
С.Каримов Ўзбек тили миллий корпусини яратиш муаммолари ҳақида	30
Л.Раунова, Н.Зарипбоева Таълимий корпус: татбиқий, амалий электрон ресурс воситаси сифатида	31

ХИСОБОТ ВА ТАҚДИМОТЛАР

Ш.Хамроева, Ҳ.Холиёров Ўзбек тилининг феъл шакллари лугати" ўзбек тили корпуслари лингвистик таъминоти сифатида	36
М.А.Абжалова Ўзбек тили миллий корпусида синонимайзер ёхуд синонимизаторни яратиш масаласи	39
Б.Б.Элов, Х.А.Ахмедова, М.А.Абжалова Омоним сўзларни фарқлаш усуллари	42

I ШЎЪБА: ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ КОРПУСИ: НАТИЖАЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

А.Б.Қаршиев, С.А.Каримов, М.С.Турсунов Ўзбек тили корпуси: токенайзер, лемматайзер, разметкалаш дастурларини тавсифлаш ва улардан фойдаланиш	47
З.Т.Холмонова Корпусларнинг лингвистик тадқиқот материали сифатидаги аҳамияти	52
М.К.Абузалова Корпусда тиббий бирликларни теглаш	58
Б.М.Бахриддинова, Г.Б.Баходирова Ўзбекистонда миллий тил ренессанси ва лугатчилик таракқиёти	61
М.Т.Абдурахмонова, М.М.Райимжонова, С.Н.Муротов Ўзбек миллий адабиёти муаллифлик корпуси архитектураси	64
А.Гатиятуллин, Н.Абдурахмонова "Туркий морфема" портали ўзбек тили электрон корпуси учун лингвистик аннотациялаш тизими сифатида	68
Х.Мадатов, Д.Хужамов, Б.Болтаев Турк WORDNETига асосланган ўзбек WORDNETини куриш	72
М. Қ.Багила, А.Т.Аширова Қазақ тіліндегі бағалауыштық лексика: зерттелуі мен динамикасы	78
Л.Х.Нигматова Ўзбек миллий корпусида халқ мақолларининг ўрни	86
Г.Тоирова Корпус тузишнинг айрим қондалари ҳақида	90
И.Х.Исломов Миллий тил корпусида ўзбек тили географик терминларини жойлаштириш	